



## ЎЗБЕКИСТОНДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ТЕРГОВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ- АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 308-гуруҳ курсанти*  
**Олимова Фарида Шухрат қизи**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант*  
**Маматов Шермухаммад Илхом ўғли**

### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси ва терговининг ҳуқуқий ҳамда амалий муаммолари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Жиноятчиликка қарши курашишдаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши чораларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда амалдаги тизим самарадорлигини ёритганлар. Шунингдек гиёҳвандликнинг ёшлар орасида тарқалишининг ижтимоий, психологик ва криминологик хавфлари таҳлил этилиб, янги психоактив моддаларнинг (ЯПМ) тарқалиши билан боғлиқ замонавий таҳдидлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, муаммонинг ҳуқуқий жиҳатлари — қонун ҳужжатларидаги терминологик ноаниқликлар (“гиёҳванд” ва “гиёвандлик” атамаларининг турлича қўлланилиши) ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар келтирилган. Профилактика инспекторларининг гиёҳвандликка қарши курашдаги ўрни ва вазифалари алоҳида ёритилиб, индивидуал, жамоавий, маъмурий-ҳуқуқий ва идоралараро ҳамкорлик



йўналишлари бўйича амалий механизмлар баён этилган. Профилактика фаолиятини рақамлаштириш, “электрон профилактика картотекаси” яратиш, ёшлар билан ишлашнинг янги шакллари жорий этиш ҳамда маҳалла тизимида махсус профилактика марказларини ташкил этиш каби илғор ғоялар илгари сурилган. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси эмас, балки бутун жамият масъулиятидир. Шу боис профилактика – репрессия эмас, балки илдизни кесиш, шахсни ислоҳ қилиш ва жамиятни ҳимоя қилиш воситаси сифатида қаралиши лозим.

### **Калит сўзлар**

Гиёҳвандлик, психотроп моддалар, профилактика инспектори, ёшлар, маъмурий жавобгарлик, миллий стратегия, янги психоактив моддалар, жамият хавфсизлиги, профилактика тизими.

Жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартибот тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январдаги "Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамиятда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонларидан бирида таъкидлаганидек: “Ҳар бир инсон ҳаёти ва шаънини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши самарали чоралар кўриш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш — давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифалардан биридир. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди<sup>1</sup>. Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жиноятга йўл

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>



қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибида турибди<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш яхлит тизимни шакллантиришга қаратилган. Ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш, замонавий иш услубларини жорий этиш орқали ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик мустаҳкамланмоқда. Бу жараёнда маҳалла тизими – ўта ноёб ижтимоий бошқарув идораси – имкониятлари тўлиқ ишга солиниб, аҳоли фаоллигини ошириш жиноятлар профилактикасида муҳим рол ўйнайди. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш...” маърузасида таъкидланганидек, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун йўқлиги нормал ҳолат эмас. Шу сабабли, уларнинг мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш зарур. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини такомиллаштириш кенг ислохотларни ўз ичига олади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ёшлар орасида тарқалиши жамият тараққиёти ва ёш авлоднинг соғлом улғайиши учун жиддий хавфдир. Бу муаммо ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларни қамраб олади. У шахсий фожиаларга эмас, балки жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига таҳдид солади. Ўз авлод – жамиятнинг истиқболи ва ривожининг мустаҳкам таянчи. Уларнинг етук, билимли ва жисмонан соғлом бўлиши иқтисодий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятни оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо глобаллашув, ахборот оқими ва турли маданий таъсирлар ортидан салбий иллатлар, хусусан, гиёҳвандлик

<sup>2</sup> Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ // ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.



воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бормокда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТ – халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот<sup>3</sup>

Гиёҳвандлик – инсон саломатлигига, жамиятнинг маънавий асосларига ва ҳуқуқий тартиботга жиддий таҳдид соладиган иллат. Айниқса, ушбу муаммонинг ёшлар орасида кенг тарқалиши жиноятчиликнинг ўсиши, жиноий гуруҳларга ёшларни жалб қилиш, таълим жараёнида узилишлар ва ижтимоий муҳитда нотинчликка олиб келади. иёҳванд моддаларнинг пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. Афюн – кўкнор ширасидан олинадиган модда бўлиб, қадимги Миср, Юнон ва араб тиббиётида дори сифатида қўлланилган. Кейинчалик у тутатиб чекиш одатига айланиб, Хитой, Ҳиндистон ва Эронга тарқалган. Бугунги кунда афюн ва унинг ҳосилалари барча мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда тақиқланган.

Афюн<sup>4</sup> (аслида юнонча абижум – мудратувчи, ухлатувчи), “опий”, “қора дори” – деган маъноларни билдириб, кўкнорнинг хомроқ кўсагини тилиб қўйганда ундан оқиб чиқиб, ҳавода қорайиб қотган, сутсимон ширадир. Таркибида морфин, папаверин, кодеин, тебаин, наркотин ва 20 га яқин бошқа алкалоидлар бор. Дам- бадам қабул қилиб турилса, бошқа наркотиклар каби унга ўрганиб қолиш мумкин. Бу ҳаёт учун хавфли. Янги психоактив моддалар (ЯПМ) — 2005 йилдан бошлаб моддий ва руҳий боғлиқликка олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларга эга бўлган психоактив моддалар бозорида пайдо бўлган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ ГЖБ) таърифига кўра, ЯПМ — бу

<sup>3</sup> Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Махмуджон Аҳмад ўғли.

<sup>4</sup> O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil. Электрон манбаа: [https://uz.wikipedia.org/wiki/Afyun#cite\\_note-1](https://uz.wikipedia.org/wiki/Afyun#cite_note-1).



“1961 йилдаги Гиёҳванд моддалар тўғрисидаги конвенция ёки 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция билан назорат қилинмайдиган, аммо жамоат саломатлиги учун хавф туғдириши мумкин бўлган, тоза ҳолда ёки препаратлар таркибида истеъмол қилинадиган моддалардир”<sup>5</sup>.

Бугунги гиёҳвандликнинг янги босқичи – янги психоактив моддалар (ЯПМ). Бу моддалар БМТ конвенциялари билан назорат қилинмайдиган, аммо жамоат саломатлиги учун хавф туғдирувчи психоактив моддалардир. Улар рухий ва жисмоний боғлиқликка олиб келади ва интернет орқали осон тарқалади. Гиёҳванд моддалардан фойдаланишнинг бошланиш нуктаси ўсмирлик ва ёшлик даврига тўғри келади. Бу муаммонинг ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва криминологик жиҳатдан чуқур ўрганилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда ёшларни гиёҳвандлик ва унга боғлиқ жиноятлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, “Ёшлар дафтари” тизими ва бошқа ислохотлар ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва салбий иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Аммо гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятлар мураккаблашмоқда, содир этилиш шакллари ва усуллари ўзгармоқда, ёшларни жалб этиш механизмлари мақсадли тус олмоқда. Бу янги назарий ёндашувлар ва самарали криминологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш ва инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Аммо янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлмоқда,

<sup>5</sup> United Nations Office on Drugs and Crime. The Challenge of New Psychoactive Substances: A Report from the Global SMART Programme, March 2013. Viena: United Nations Office on Drugs and Crime; 2013. Манзил: <https://www.unodc.org/documents/scientific/NPS.Report.pdf> (мурожаат вақти: 11.10.2025).



улар интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда осон тарқатилмоқда.

Президентнинг 2025 йил 7 майдаги ПФ-73-сонли Фармони<sup>6</sup> гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали аҳоли саломатлиги ва генофондга салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган муҳим ҳуқуқий асосдир.

Илғор хорижий тажриба ва БМТ экспертлари тавсиялари асосида 2024–2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди. У аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олиш, тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этишни кўзда тутди.

Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, фарматсевтика корхоналари ва савдо субъектлари масъулиятини ошириш устувор вазифаларга киради.

Ёшлар орасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган психофаол доривоситаларини истеъмол қилиш ҳолатлари учрамоқда. Ёшларимизнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётган бўлишига қарамай, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир қилишлари ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетаётганлиги ачинарлидир.

Ўзбекистонда ГВБЖ профилактикаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/7132120>. Электрон манба: (мурожаат вақти: 11.10.2025 й)





*-Геосиёсий хавф-* Афғонистон – дунёдаги энг йирик опиум ишлаб чиқарувчи (90%+). Марказий Осиё орқали транзит йўллари Ўзбекистонга босим ўтказди.

*-Ёшлар орасидаги тенденциялар-* Трамадол, тропикамид, “Лирика”, “Регален” каби психафаол дорилар истеъмоли ортиб бормоқда. Ёшлар – гиёҳвандлик қурбонларининг аксарияти (30 ёшгача).

*-Оила ва жамиятга таъсири-* Гиёҳвандлик – оила бузилиши, генофонднинг зарарланиши. Жиноятлар (ўғирлик, талончилик, зўравонлик) гиёҳвандлар томонидан содир этилади.

*-Ижтимоий ва оилавий барқарорликка таъсир*

Гиёҳвандлик фақат шахсий муаммо эмас – у оилани бузади, жамиятда зўравонлик ва бошқа жиноятларни кўпайтиради. Профилактикасиз бу иллат генофонднинг бузилишига олиб келади.

*-Қонунчилик ва амалий нуқсонлар-*профилактика фақат ички ишлар органлари вазифаси деб қаралиши, ахборот-коммуникация технологияларидан етарли фойдаланилмаслиги, чора-тадбирларнинг манзилли ва комплекс бўлмаслиги, терминологик ноаниқлик (“гиёҳванд”/ “гиёвандлик”)– буларнинг барчаси самарадорликни пасайтиради ва долзарбликни оширади.

*-Жамоат ва маҳалла ролининг етишимаслиги-*маҳалла – юз йиллик мерос сифатида профилактиканинг энг самарали қуйи бўғини. Лекин ундан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги сабабли, аҳоли фаоллиги паст бўлиб қолмоқда.

*-Замонавий таҳдидларнинг ўсиши-*интернет, шифрланган мессенжерлар, криптовалюта ва даркнет орқали савдо анъанавий усулларни эскиртиб, тергов ва профилактикани мураккаблаштиради. Бу янги чора-тадбирларни талаб қилади.

*-Халқаро мажбуриятлар ва глобал таҳдид-*Ўзбекистон БМТ конвенцияларига аъзо сифатида трансмиллий гиёҳванд савдосига қарши



курашда фаол бўлиши шарт. Гиёҳвандлик – глобал “аср вабоси”, шунинг учун миллий профилактика халқаро хавфсизликнинг бир қисми. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш эмас, балки бутун жамиятнинг масъулияти. Унинг долзарблиги келажак авлодни сақлаш, оила ва миллат барқарорлигини таъминлашда мужассам. Агар бугун комплекс, манзилли ва замонавий чоралар кўрилмаса, бу иллат миллий фожеага айланади. Профилактика – репрессия эмас, балки илдизни кесишдир.

Гиёҳвандлик демографик фожеалар, жиноятчилик (жиноятларнинг 57%), ўлим (йилига 200–211 минг), касалликлар (ВИЧ – 1,6 млн, гепатит С – 7,2 млн) келтиради. Савдо айланмаси – 300–800 млрд доллар. Ўзбекистон БМТ конвенциялари (1961, 1971, 1988) ва 1999 йилги Қонунга амал қилади. Ёшлар орасида трамадол, тропикамид, психафаол дорилар (Лирика, Регален) истеъмоли ортиб, оғир жиноятларга сабаб бўлмоқда.

Президентнинг 14.03.2017 йилги ПҚ-2833-сон қарорида мустақиллик йилларидаги ижобий натижалар (криминоген вазиятни яхшилаш) қайд этилган бўлса-да, муаммолар ҳам кўрсатилган: ахборот-коммуникация технологияларидан етарли фойдаланилмаслик, профилактикани фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси деб баҳолаш, чоратадбирларнинг манзилли ва комплекс бўлмаслиги, сабаб-шартларни бартараф этиш самарасизлиги, идоралараро ҳамкорлик ва ташаббус етишмаслиги. Булар фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Ҳуқуқбузарлик давлат ва ҳуқуқ институтлари пайдо бўлган даврдан мавжуд бўлиб, макон-замон шарт-шароитларига боғлиқ. Олимлар (И. Исмаилов, М. Зиёдуллаев) уни маъмурий жавобгарликка тортиладиган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш деб ҳисоблайди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик – шахс, фуқаролар ҳуқуқлари, мулк, тартиб ва муҳитга тажовуз қилувчи айбли ҳаракат/ҳаракатсизлик.





Қонунчиликда “ғиёхванд” ва “ғиёвандлик” атамалари параллел қўлланиши (ЖКда 24/30 ҳолат, 1999 йилги Қонунда 146 ҳолат, Олий суд Пленуми қарорида 87 ҳолат) талқин қийинчиликлари туғдиради. Бу 2021 йилги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 39-бандига (таърифлар бир хиллиги) зид.

Этимологик таҳлил: “Ғиёхвандлик” – “ғиёх” (ўсимлик) + “ванд” (боғлик) дан; “ғиёх” расмий услубга хос (тилшунослар: А.П. Ҳожиев, Ш.Р. Раҳматуллаев). Олимлар (Л.М. Каримова, З.М. Исломов, Ф.Ҳ. Отахонов) “ғиёх”ни табиий объект деб қўради, аммо ҳуқуқий таъриф етишмайди.

Таклиф: ЖК, Маъмурий жавобгарлик кодексида “ғиёхвандлик воситалари”ни ягона шаклда қўллаш – терминологик бир хилликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК, 1994 йил 22 сентябрдаги 2015-ХП-сон Қонун<sup>7</sup> билан тасдиқланган, ғиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тартибга солиш орқали уларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Бу кодекс жиноятларнинг илдизларини кесиш учун маъмурий сатҳдаги жавобгарликни белгилаб, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, профилактик чораларни кучайтириш ва жамият хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Аҳамияти қуйидаги асосий жиҳатларда намоён бўлади:

*-Маъмурий жавобгарликнинг профилактик функцияси*-МЖТК моддалари ғиёхванд моддалар билан боғлиқ ҳаракатларни (масалан, сақлаш, ташиш ёки истеъмол) жиноят даражасига етишидан олдин маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолайди. Бу жиноятларнинг олдини олишда илк репрессия сифатида ишлайди, чунки маъмурий жазо (жарималар, ҳибс)

<sup>7</sup> [lex.uz/docs/97664](http://lex.uz/docs/97664)



шахсларни ўғоҳлантириб, уларни янада оғир жиноий жавобгарликдан сақлайди.

*-Ёшлар ва хавфли гуруҳларни ҳимоя қилиш*-кодексининг умумий қисми (13–14-моддалар) маъмурий жавобгарлик ёшлари (16 ёшдан) ва voyaga етмаганлар учун жавобгарликни аниқ белгилаб, ёшлар орасидаги гиёҳванд моддалар истеъмолининг олдини олишга ёрдам беради. Бу моддалар профилактика тадбирларида (мактабларда тарғибот, оила назорати) асос бўлиб хизмат қилади, чунки уларнинг бузилиши оғир оқибатлар (жиноятлар, саломатлик зарари)га олиб келади.

*-Идоралараро ҳамкорлик ва тарғиботнинг ҳуқуқий асоси*-МЖТКнинг махсус қисмидаги моддалар (масалан, 218, 220, 221-моддалар) гиёҳванд моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни (сақлаш, тақсимлаш) тартибга солиб, ички ишлар органлари, маҳалла ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини талаб қилади. Бу моддалар профилактик чора-тадбирлар (семинарлар, рейдлар) учун ҳуқуқий асос бўлиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширади.

Аҳамияти: Кодекс гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишининг сабабларини (масалан, назорат етишмаслиги) бартараф этиш учун комплекс йўналишни таъминлайди, бу эса жиноятларнинг олдини олишнинг энг самарали усулидир. Умумий олганда МЖТК моддалари гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда профилактик-тарғиботий ва репрессив-таълим функциясини бажариб, фуқароларнинг масъулиятини оширади. Уларнинг аҳамияти шундаки, улар фақат жазо эмас, балки жамиятнинг соғлом ривожланишини таъминлаш воситасидир.

Профилактика инспекторлари – ички ишлар органларининг энг қуёй бўғини сифатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишловчи муҳим звено. Гиёҳвандлик воситалари бўлган психафаол дори воситалари (трамадол,



тропикамид, “Лирика”, “Регапен”, “Галара” ва бошқалар) билан боғлиқ жиноятлар профилактикасида уларнинг роли маҳалла, оила, таълим муассасалари ва жамоат билан интеграцияга асосланади. Бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилги ПҚ-2833-сон қарори, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК) ва 2024–2028 йиллар миллий стратегиясига мувофиқ ташкил этилади.

Ҳар бир профилактика инспектори ўзига бириктирилган маҳаллада ҳуқуқбузарликка мойил шахсларни (хусусан, ёшларни) аниқлайди ва улар билан индивидуал иш олиб боради, дорихоналар, тиббиёт муассасалари ва савдо нуқталарида ноқонуний сотиш, сақлашни аниқлаш учун рейдлар ўтказади, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва фуқаролар йиғинлари билан биргаликда оилавий муҳитни ўрганиш, гиёҳвандликка мойиллик белгиларини эрта аниқлайди.

*Профилактика инспекторларининг амалий усуллари.*

Индивидуал профилактика: Ҳар бир хавфли шахсга профилактика карточкаси юритиш, улар билан доимий суҳбатлар ўтказиш, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

Жамоатчиликни жалб қилиш: Маҳалла фуқаролар йиғинлари, ота-оналар кўмиталари ва ННТлар билан биргаликдаги тадбирлар (спорт мусобақалари, маърифий учрашувлар).

Маъмурий жавобгарликни қўллаш: Психафаол дориларнинг кичик миқдорда сақланиши ёки истеъмоли маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, жарима ёки ҳибс қўлланилиши – бу жиноятга ўтишнинг олдини олади (МЖТК 13–14, 32–33-моддалар).

*Идоралараро ҳамкорлик.* Маҳалладаги профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари билан биргаликда иш юритади. ИИБ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Тиббиёт муассасаларида рецептсиз дори беришнинг



олдини олиш. ИИБ ва Ёшлар ишлари агентлиги ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

*Самарадорликни ошириш йўналишлари*-Замонавий технологиялар: АКТдан фойдаланиб, рақамли мониторинг ва электрон карточкалар жорий этиш (ПҚ-2833-сон қарорга мувофиқ).

*Хуқуқий онгни ошириш*-аҳоли, айниқса ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш учун оммавий тадбирлар.

*Терминологик аниқлик* “гиёҳвандлик воситалари” атамасини ягона қўллаш – профилактикада хуқуқий ноаниқликни бартараф этади. Профилактика инспекторлари таркибида психафаол дорилар билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси маҳалла – оила – таълим – жамоат интеграциясига асосланади. Улар фақат жазо эмас, балки илдизни кесиш, шахсни ислоҳ қилиш ва жамиятни ҳимоя қилиш воситаси сифатида ишлайди. Бу фаолият ПҚ-2833-сон қарор, МЖТК ва миллий стратегия доирасида комплекс, манзилли ва замонавий бўлиши керак. Фақат шунда гиёҳвандликнинг “аср вабоси”га айланишининг олди олинади.

Профилактика инспектори — ички ишлар органларининг энг қуйи, лекин жамиятга энг яқин бўғини бўлиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг илдизини кесишда муҳим звено ҳисобланади. Гиёҳвандликка қарши курашда уларнинг асосий вазифаси — жиноят содир бўлишидан аввал унинг сабаб ва шароитларини аниқлаб, бартараф этишдир.

### *1. Индивидуал профилактика йўналиши*

Бу йўналиш шахсга қаратилган профилактика чораларини қамраб олади. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларнинг “профилактика карточкаси”ни юритиш. Бундай шахслар билан доимий мулоқот ва тарбиявий суҳбатлар ўтказиш, уларни меҳнат фаолиятига, таълим ёки жамоат ишларига жалб этиш. Даволанишга муҳтож бўлган шахсларни ихтиёрий равишда наркологик муассасаларга йўналтириш. Қайта



жиноятга мойил шахслар билан оилавий муҳитни таҳлил қилиш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

## *2. Жамоавий профилактика йўналиши*

Бу йўналиш аҳоли, ёшлар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари ва ННТлар билан ҳамкорликда маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари ва тарғибот тадбирларини ташкил этиш. Ёшлар орасида “Соғлом турмуш тарзи”, “Гиёҳвандликсиз ҳаёт” каби лойиҳаларни йўлга қўйиш. Дорихоналар, тиббиёт муассасалари ва хусусий клиникалар фаолиятини назорат қилишда аҳолини ҳамкор сифатида жалб этиш (жамоавий мониторинг). Ахборот-коммуникация технологиялари орқали (Telegram, Facebook, Instagram) профилактика акциялари ўтказиш, видеороликлар тайёрлаш.

## *3. Маъмурий ва ҳуқуқий йўналиш*

Профилактика инспектори гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни жиноят даражасига етмасдан олдин маъмурий чоралар билан бартараф этади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 218, 221-моддаларига асосан ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан чора кўриш. Психафаол дори воситаларини ноқонуний сақлаш ёки сотиш ҳолатларини аниқлаб, далолатнома тузиш ва тегишли органларга юбориш. Ёшлар орасида “рецептсиз дори” сотиб олиш ва истеъмол қилиш ҳолатларига қарши профилактик ҳужжатлаштириш ишларини олиб бориш.

## *4. Идоралараро ҳамкорлик йўналиши*

Гиёҳвандликка қарши курашда биргина профилактика инспектори самарали ишлай олмайди, шунинг учун идоралараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан – гиёҳвандликка мойил шахсларни рўйхатга олиш ва даволашда ҳамкорлик. Ёшлар ишлари агентлиги билан – ёшларни маънавий тарбиялаш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш. Маҳалла ва оила ишлари агентлиги билан – оилалардаги ижтимоий муҳитни



барқарорлаштириш. Таълим муассасалари билан – профилактик соатлар ва семинарлар ўтказиш.

#### *5. Таҳлил ва ҳисобот йўналиши*

Профилактика инспектори ҳар ойда маҳалладаги вазиятни таҳлил қилиб, куйидаги маълумотларни тўплайди:

- гиёҳвандликка мойил шахслар сони;
- рўйхатга олинган ҳуқуқбузарликлар;
- даволанишга йўналтирилган шахслар;
- ёшлар орасидаги гиёҳвандлик ҳолатлари ва тенденциялар.

Профилактика инспекторлари фаолиятини янада самарали қилиш учун куйидаги таклифлар илгари сурилади:

#### *1. Рақамли профилактика тизимини жорий этиш*

Ҳар бир профилактика инспекторининг фаолиятини “электрон профилактика картотекаси” орқали юритиш. Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқловчи махсус идоралараро электрон база яратиш (ИИБ, ССВ, прокуратура ҳамкорлигида).

#### *2. Ёшлар билан ишда янги усуллар*

Мактаб, коллеж ва университетларда психолог ва инспектор иштирокида мунтазам “Соғлом ҳаёт дарслари”ни ташкил этиш. Ёшлар форумлари, квестлар ва ижтимоий челленжлар орқали соғлом турмуш тарзини оммалаштириш.

#### *3. Маҳалла тизимида профилактика марказлари очиш*

Ҳар бир туманда “Гиёҳвандликка қарши профилактика маркази”ни ташкил этиш, у ерда инспектор, психолог ва фуқаролик жамияти вакиллари биргаликда ишлаши.

#### *4. Қонунчиликни такомиллаштириш*





“Гиёҳванд” ва “гиёвандлик” атамаларини ягона ҳуқуқий таърифга солиш (Жиноят кодекси ва МЖтКда бир хил термин қўлланилиши). Янги психоактив моддаларни назоратга олиш учун алоҳида модда киритиш.

#### *5. Ижтимоий ҳимоя ва моддий рағбат*

Профилактика инспекторлари учун махсус рағбатлантириш тизими (мукофот, уй-жой имтиёзлари, малака ошириш грантлари) жорий этиш. Иш юкламаси юқори бўлган маҳаллаларда қўшимча штат бирликлар ажратиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги “Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамиятда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5948-сонли Фармони. Расмий веб-сайт: <https://president.uz>

2. Ниматов Ш.Н. ва бошқалар. Ёшлар ва хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олишда норматив-ҳуқуқий асослар ва ижтимоий профилактика механизмлари. // Образование, наука и инновационные идеи в мире. – 2025. – Т. 79. – № 2. – Б. 143–157.

3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (O‘zME). Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000 й. Электрон манба: [https://uz.wikipedia.org/wiki/Afyun#cite\\_note-1](https://uz.wikipedia.org/wiki/Afyun#cite_note-1)

4. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). The Challenge of New Psychoactive Substances: A Report from the Global SMART Programme. – Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime, March 2013. Электрон манба: <https://www.unodc.org/documents/scientific/NPS.Report.pdf> (мурожаат қилинган сана: 11.10.2025)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп



моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–73-сонли Фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/7132120> (мурожаат қилинган сана: 11.10.2025)

6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.Қабул қилинган сана: 1994 йил 22 сентябрь, 2015–ХП-сон Қонун. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>.

7. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.